

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки томонидан
2026 йил "19" май
53/8 - сон билан
рўйхатга олинди



Ўзбекистон Республикаси
Марказий банк
Раисининг биринчи ўринбосари

Сайдуллаев Н.Н.

М.Ў.

**“Асакабанк” акциядорлик жамияти
Уставига киритилган ўзгартиришлар**

ТАСДИҚЛАНДИ:

“Асакабанк” акциядорлик жамияти
Акциядорлар навбатдан ташқари
умумий йиғилишининг
2026 йил "12" январ
1 - сонли баённома қарори



“Асакабанк” акциядорлик жамияти
Кенгаши аъзоси

Нуритдинова Н.Н.

Тошкент ш.
2026 йил

“Асакабанк” акциядорлик жамияти
Уставига киритилган ўзгартиришлар матни

“Асакабанк” АЖ Акциядорлар умумий йиғилишининг 2020 йил 26 июндаги 01-сонли Баённома қарори билан тасдиқланган ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан 2020 йил 4 августда 53-сон билан рўйхатга олинган янги таҳрирдаги “Асакабанк” акциядорлик жамияти (кейинги ўринда – “Банк”) Уставида:

1) Банк Уставининг **“2-боб. Банкнинг юридик мақоми, жойлашган жойи (почта манзили)”** Бўлими 19-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“19. Банкнинг жойлашган жойи (почта манзили): 100027, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Янги Тошкент кўчаси, Янги Тошкент тор кўчаси, 1.”

2) Банк Уставининг **“8-боб. Банк акциядорларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари** Бўлимига қуйидаги мазмундаги 94-1-банд киритилсин:

“94-1. Банк овоз берувчи акцияларининг эллик фоизидан ортиғига эгалик қилувчи ёхуд овоз берувчи акциялари миқдори банкнинг бошқа ҳар бир акциядори улушига нисбатан кўп бўлган ҳамда овози қарор натижасига ҳал қилувчи таъсир кўрсатиши мумкин бўлган акциядор мажоритар акциядор деб эътироф этилади.”

3) Банк Уставининг **“8-боб. Банк акциядорларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари** Бўлими 95-бандига қуйидаги мазмундаги 2 ва 3-қисмлар киритилсин:

“Агар мажоритар акциядорга қарорлар банкнинг ва бошқа акциядорларнинг манфаатларига зарар келтириши олдиндан аён бўлса, у мазкур қарорларни шахсий манфаатларини ҳисобга олиб қабул қилмаслиги, банк бошқарув органларининг йиғилиши кун тартибига жамиятнинг ва бошқа акциядорларнинг манфаатларига мос келмайдиган масалаларни ёки ҳал этилиши банкнинг ва бошқа акциядорларнинг манфаатларига зарар етказиши олдиндан маълум бўлган масалаларни киритмаслиги шарт.

Банкнинг мажоритар акциядори ушбу бандда назарда тутилган мажбуриятларни бажармаслик натижасида банкка ва бошқа акциядорларга етказилган зарар учун жавобгар бўлади.”

4) Банк Уставининг **“13-боб. Банк Кенгаши** Бўлими 185-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“185. Банк Кенгаши аъзолари Банк ва унинг акциядорлари олдидаги ўз мажбуриятларини, шу жумладан фидуциар мажбуриятларини зарур даражада бажармаганликлари учун қонун ҳужжатларига ва мазкур Уставга мувофиқ жавобгар бўладилар.”

5) Банк Уставининг **“14-боб. Банк Ижроия органи (Бошқарув)** Бўлими 208-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“208. Банк Бошқарув раиси ва аъзолари Банк ва унинг акциядорлари олдидаги ўз мажбуриятларини, шу жумладан фидуциар мажбуриятларини зарур даражада бажармаганликлари учун қонун ҳужжатларига ва мазкур Уставга мувофиқ жавобгар бўладилар.”

